



## “КРЕАТИВЛИК” ВА “ПЕДАГОГИК КРЕАТИВЛИК” ТУШУНЧАЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ ВА УНИ ПЕДАГОГИК ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Суяров А.М

Чирчиқ давлат педагогика институти “Педагогика ва  
менажмент” кафедраси ўқитувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5814353>

### МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 20- dekabr 2021

Ma'qullandi: 25 - dekabr 2021

Chop etildi: 30 - dekabr 2021

### KALIT SO'ZLAR

креативлик,  
креативликни  
ривожлантириш,  
креативликни  
ривожлантиришга  
тўсқинлик қилувчи  
омиллар, креатив  
потенциал

### ANNOTATSIYA

Мақолада “Креативлик” ва “педагогик креативлик” тушунчаларининг моҳияти очиб берилиб, уни педагогик ва психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг ижтимоий аҳамиятига урғу берилган. Шахс ривожланишининг интеллектуал имкониятлари сабаб ва оқибатлари таҳлил этилиб, замонавий олий таълими тизимида рақобатбардош кадрларни тайёрлашга ҳисса қўшиш мақсад этиб белгиланган.

Замонавий педагогикада “креатив педагогика” тушунчаси қўлланила бошлаганига ҳали у қадар кўп вақт бўлмади. Бироқ, ўқитиш жараёнига инновацион ҳамда ижодкорлик ёндашувларини қарор топтиришга бўлган эҳтиёж “Креатив педагогика”нинг педагогик туркум фанлар орасида мустақил предмет сифатида шаклланишини таъминлади. Ушбу предмет асосларини педагогика тарихи, умумий ва касбий педагогика ҳамда психология, хусусий фанларни ўқитиш методикаси, таълим технологияси ва касбий этика каби

фанларнинг методологик ғоялари ташкил этади.

“Креатив педагогика” фанининг умумий асослари мутахассис, шу жумладан, бўлажак мутахассисларнинг касбий камол топишлари учун зарур шарт-шароитни яратишга хизмат қилади. Шахснинг мутахассис сифатида касбий камол топиши, ривожланиши ўз моҳиятига кўра узлуксиз жараён тарзда намоён бўлади. Касбий етуклик инсон онтогенезининг муҳим даврлари касбий камол топиш, ривожланиш ғояларининг қарор топиши (14-17 ёш)дан бошланиб, касбий фаолиятнинг якунланиши (55-60



ёш)гача бўлган жараёнда кечиши кўпгина олимлар томонидан эътироф этилган.

Ижодкор шахснинг шаклланиши ва ривожланиши унинг ички ва ташқи олами ўзгаришининг ўзаро мос келиши, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ҳамда инсон онтогенгизи – туғилишидан бошлаб то умрининг охирига қадар узлуксизлик, ворисийликни тақозо этадиган фаолият мазмунига боғлиқ.

Маълумки, касбий тажриба билим, кўникма ва малакаларнинг ўзаро интеграцияси сифатида намоён бўлади. Бироқ, касбий-ижойий фаолият кўникмаларининг ўзлаштирилиши нафақат амалий кўникма ва малакаларнинг интеграцияси, мутахассис сифатида фаолиятни самарали ташкил этиш усул ва воситаларини ишлаб чиқишни эмас, шу билан бирга касбий ижодкорлик методологиясидан хабардор бўлиш, ижодий тафаккурни ривожлантириш ва креатив характерга эга шахсий сифатларининг етарли даражада ўзлаштирилиши талаб этади.

Ижодкор шахснинг шаклланишини шахснинг ўзаро мос тарзда бажарилган ижодий фаолият ва ижодий маҳсулотларни яратиш борасидаги ривожланиши сифатида белгилаш мумкин. Ушбу жараённинг суръати ва қамрови биологик ва ижтимоий омиллар, шахснинг фаоллиги ва креатив сифатлари, шунингдек, мавжуд шарт-шароит, ҳаётий муҳим ва касбий шартланган ҳодисаларга боғлиқ. Замонавий шароитда педагогнинг

креативлик сифатларига эга бўлиши тақозо этади.

Сўнгги йилларда етакчи хорижий мамлакатларнинг таълим тизимида талаба ва талабаларда креативлик сифатларини шакллантириш масаласига алоҳида, жиддий эътибор қаратилмоқда. Буни Бронсон, Меррийман (2010 й.), Кен Робинсон (2007 й.), Фишер, Фрей (2008 й.), Бегетто, Кауфман (2013 й.), Али (2011 й.), Треффингер (2008 й.) ва б. томонидан олиб борилган кўплаб тадқиқотлар, уларнинг натижалариан кўриш мумкин.

Биргина Кен Робинсон томонидан 2007 йилда тайёрланган “Мактаб креативликни барбод этяптими?” номли видео лавҳани YouTube сайтида 5

млн марта томоша қилинган. Қолаверса, ўқитувчилар креативлик асосларини ўрганишга жиддий киришганлар (Бегетто, Кауфман, 2013 й.). Ўқитувчиларда педагогик фаолиятни креатив ёндашув кўникма, малакаларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга доир адабиётлар чоп этиляпти, Таълим департаменти томонидан тайёрланган видео лавҳаларга асосланувчи ноанъанавий дарслар ташкил этиляпти (Али, 2011; Таълим департаменти, 2013 й.). Тажрибалар кўрсатадики, салмоқли амалий ишлар олиб борилаётганлигига қарамай, кўпчилик ўқитувчилар ҳали ҳануз шахс (ўзларида ҳамда талабаларда) креативлик сифатларини қандай қилиб самарали шакллантириш тажрибасини ўзлаштира олмаяптилар.

Таълим тизимини бошқариш органлари ҳар йили таълим муассасаларида юқори самарадорликка эришишга эътибор



қаратади. Ана шу мақсадда ўқув дастурини ишлаб чиқилади, янги ўқув дарсликлари яратилади. Бу эса ҳам талабалар, ҳам ўқитувчиларни касбий ўсишларига ёрдам беради. Олиб бориладиган амалий ҳаракатлар

Шахсда креативлик сифатларини ривожлантириш жараёнининг умумий моҳиятини тўлақонли англаш учун дастлаб “креативлик” тушунчасининг маънони тушуниб олиш талаб этилади. Кен Робинсоннинг фикрига кўра, “креативлик – ўз қийматига эга оригинал ғоялар мажмуи” (Аззам, 2009 й.) саналади. Гарднер эса ўз тадқиқотларида тушунчани шундай изоҳлайди: “креативлик – шахс томонидан амалга ошириладиган амалий ҳаракат бўлиб, у ўзида муайян янгиликни акс эттириши ва маълум амалий қийматга эга бўлиши лозим”. Эмебайл (1989 й.)нинг ёндашуви нуқтаи назаридан ифодаланса, креативлик “муайян соҳа бўйича ўзлаштирилган пухта билимлар билан бирга юқори даражада ноодатий кўникмаларга ҳам эга бўлиш” демакдир. Кўплаб тадқиқотларда интеллект ва креативлик ўртасидаги алоқадорлик хусусида турлича қарашлар мавжуд. Бир гуруҳ тадқиқотчилар улар ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ эканлигини уқтирсалар, иккинчи гуруҳ вакиллари креативлик ва интеллект даражаси бир-бирига боғлиқ эканлигини таъкидлайдилар (Ким, 2005 й.). “Креативлик” тушунчаси ўзида маданий хилма-хилликни акс эттиради. Ғарб кишилари учун креативлик, умуман олганда, янгилик саналади. Юқорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда “креативлик” тушунчасини қуйидагича шарҳлаш мумкин: **Креативлик** (лот., инг. “create ” – яратиш, “creative” – яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти ҳисобланади.

Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида

талабаларда ютуқларга эришиш, олға интилишга бўлган эҳтиёжни муайян даражада юзага келтиради, уларнинг ўқув-билиш қобилиятларини бир қадар ривожлантиришга ёрдам беради.

намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди.



Э.П.Торренс фикрича, “креативлик” 12 тушунчаси негизда қуйидагича ёритилади: - муаммони ёки илмий фаразларни илгари суриш;

- фаразни текшириш ва ўзгартириш;
- қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш;
- муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг ўзаро қарама-қаршилигига нисбатан таъсирчанлик.

Креатив фикрлаш ҳар бир ижтимоий соҳада яққол ақс этиши мумкин. Ўқитувчининг ижодкорлиги эса у томонидан ташкил этиладиган касбий фаолиятни ташкил этишга ижодий (креатив) ёндашувида ақс этади. Сўнгги йилларда ушбу ҳолат “педагогик креативлик” тушунчаси билан ифодаланмоқда.

**Педагогик креативлик** – педагогнинг анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёнини самарадорлиги таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган тайёргарлигини тавсифловчи қобилияти.

**“Креатив педагогика”** қуйидаги икки ҳолатни кафолатлай олиши зарур:

1) ўқитувчилар томонидан ўқув фанларини паст ўзлаштираётган ва уларини ўрганишни зерикарли деб ҳисоблаётган талабалар эътиборларини фан асосларини ўзлаштиришга жалб этиш;

2) ўқитувчиларга талабаларда креатив фикрлаш ва ижодий фаолият натижаларини рағбатлантиришга хизмат қиладиган стратегия ва воситаларни тавсия этиш қилиш орқали аудиторияда улардан самарали фойдаланишлари учун имконият яратиш.

Педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлмаслиги туфайли талабалар ҳам қизиқарли ва ажойиб ғояларга эга бўлсалар-да, бироқ, уларни ифодалашда сусткашликка йўл қўяди. Бунинг сабабли таълим жараёнида қўлланилаётган методлар талабаларда эркин, мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилмаслиги билан белгиланади.

Муаллиф томонидан тавсия қилинган восита ва стратегиялар талабаларда креативликни ривожлантиришда ўқитувчилар учун қўл келади ҳамда талабаларда ўқув фанларини ўрганишга бўлган қизиқиш, интилишни ривожлантиради.

Касбий фаолиятда педагогнинг креативлиги турли шаклларда намоён бўлаи. Улар қуйидагилардир:



### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Умумий ўрта таълим муассасаларини бошқаришда менежментнинг асосий тушунчалари. – Т.: Фан, 2006.
2. Общая педагогика / Под. ред. В.А.Сластенин: В 2 ч. – М.: Владос, 2003 г. ч.2.
3. Инновационный менеджмент: Учебник / Под. ред. Горфинкеля В. Я – М.: Вузовский учебник, 2006.
4. Амонашвили Ш. А. Школа жизни: Трактат о начальной ступени образования, основанного на принципах гуманно-личностной педагогика М.: Изд. дом. Шальвы Амонашвили, 2000.
5. Капто А. Е. Организация внутришкольного управления – М.: Знания, 1991.
6. R. Musurmonov "On the factors that positively affect the quality of education management", Kyrgyzstan, Vestnik Batkentskogo gos. Univer. J. 2008, № 5, В. 76-78 [6]
7. R.Musurmonov "Education of a healthy generation - the basis of social development" News of the National University of Uzbekistan. Т. : 2011 у. № 1, В. 169-173.
8. Р.Мусурмонов, АСуюров. Фан ва замонавий таълимнинг асосий масалалари. “Мактаб ва хаёт” илмий методик журнал. Махсус сон. 2021 йил, №2, 17-бет.